

«Тошкент ҳақиқати» йўқламаси

ТАДБИРКОР БЎЛГАН ЮТАДИ

Ўрта Чирчиқ районда 140 минг аҳоли истиқомат қилади. 37 миллатдан иборат бу катта, аҳил ва иноқ оиланинг юмушлари турлича. Асосий мақсади — эл дастурхонини тўқини, эгини бут қилишга қаратилган. Ўртачирчиқликлар ҳалқ ҳўжалигига пахта, каноп, сабзавот, поллиз маҳсулотлари, мева, узум етиштириб бермоқдалар. Ҳар йили бу соҳадари режалар ортиги билан адо этилаётир.

Она юртимизда мустақиллик шабодаси эсиши билан бу ердаги тадбиркорлик, ташаббускорлик янада авж олди, район ҳўқими ва ҳўқимлик эл манфаатига дахлдор ҳар қандай ҳаракатта кенг йўл очмоқда, уни қўллаб-қувватламоқда. Районда шу кунда 81 та кичик корхона, 51 та фермер ҳўжалиги, 60 та ширкат фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг иш мазмун аҳолининг эриш-овқат маҳсулотларига, ҳалқ истеъмол молларига бўлган эҳтиёжини қондиришга йўналтирилган. Ана шу фаолиятлари билан вилоятимиз, республикамиз эътиборига ҳам лойиқ бўлдилар. Бизнинг район ҳўқими Мирзамурод ИКРОМОВ билан мулоқотимиз мустақиллигимиз тўғрисида эришилган ютуқлар мавзусига бағишланди. Қўйида ана шу сўҳбатни эътиборингизга ҳавола қиламиз.



Суратда: район ҳўқими Мирзамурод Икромов (чапдан иккинчи) ҳўқимлик ҳодимлари ва пахтакорлар билан ўзаро мулоқотда.

кент Давлат аграр дорилфунунининг ўқув ҳўжалигининг иссиқхоналарида мустақиллик йилида 40 тонна помидор, 80 тонна бодиринг етказиб берилди. Эндиликда бу ерда иссиқхоналар майдонлари кенгайтирилиб, лимонзорлар ташкил этишга киришилмоқда. Ленин номи жамоа ҳўжаликларида иссиқхоналари қўриб битказиш ниятисига етказилмоқда. Албатта, мустақиллик йили ичидиги бунёдкорликларнинг ҳаммасини бир-ма-бир санаб тутатиш қийин.

— Маданий соҳада рўй берган ўзгаришлар тўғрисида ҳам тўхталиб ўтсангиз, Зероки, районда бу борада ҳам анча ишлар амалга оширилди. Шундай эмасми?

— Гапнингиз тўғри. Маданий соҳада баракали ишлар қилинди. Сўнгги йилнинг ўзига урта замонвий анги мактаб фойдаланишга топширилди. Жамоа ҳўжаликларида клублар, кутубхоналар қайта таямirlанди, уларга чирой баш еттиди. Ким Пен Ха номи колхозда Ёшлар уйи қад кўтарди. Мустақиллик байрами кун арасида Тўйтепа шаҳрида жангчиларга ётдорлик очилди. Чигиринда аралаш моллар магазини, Тўйбуғиз қўғонига, Акмал Икромов номи жамоа ҳўжаликларида чойхоналар, «Северний маяк» жамоа ҳўжалигида тегиримон фойдаланишга топширилди. Шу ўринда бир нарсани таъкидламоқчиман. Биз маданий объектларнинг ҳозирги маънавияти бир даврда қўриб олинишида жамоа ҳўжаликлари билан район ҳўқимлиги билан бир-

га бир ёқадан бош чиқариб фаоллик кўрсатганликлари муҳим аҳамият касб этди. Улар райондаги маданий тадбирларга ҳам муносиб улуш қўшмоқдалар. Хусусан, мустақиллик йилида Ким Пен Ха номи жамоа ҳўжалигининг Ёшлар уйида вилоят фахрийларини шарафлаш байрами бўлиб ўтди. Шунингдек, район марказида ва бошқа ҳўжаликларда болаларни ҳимоя қилиш, «Саломатлигимиз ўзинизга боғлиқ», «Энг озода кўча, уй, ҳовли» кўрик-танлови, «Аёллар — ҳаётимиз кўрки» каби оммавий тадбирлар анча сермазмун ўтди.

Ҳамма қатори мустақиллик байрамига ҳам муносиб ҳозирлик кўрди. Ҳўқимлик биноси олдига уюштирилган катта сайилда бадий ҳаваскорлар театрлаштирилган кўрсатувлар намойиш этишди. Мутлақо расмийчиликдан ҳоли бўлган бу айёмда кичик корхоналар ташкил эсан савдо ярмаркалари муносиб ҳисса қўшдилар. Улар аҳолига ўзлари тайёрлаган маҳсулотларни анча арзон сотдилар. Шу кунги район меҳнаткашларига сабзавот, картошка, поллиз маҳсулотлари ҳам анча арзон сотилди.

Айни пайтда биз ҳали маданий соҳада кўп ишлар қилишимиз керак бўлади. Табиат мусавфоллигини таъминлаш, аҳоли истиқомат қиладиган жойларни озода ва саранжом тутуш, истеъмол сувларини тоза сақлаш борасидаги ишлар тўла талабга жавоб бера олади, дея олмайман. Аҳолига сардо


Сўҳбатдош С. ҲАСАНОВ.

ЭСДА ҚОЛАРЛИ ЙИЛ

дан кечиб ишлайдиган кунлар ҳам бўлади. Хусусан, ўзим гўзага сув бериш кунлари кечаси бир-икки соатгина мизгиб оламан, холос. Сувчилар ҳам худди шундай.

Ер ана шу муносабатимизга яраша ҳосил беради. Бир неча йиллардан бери режаларни ошириб адо этаётганимиз шундан. Бригада-мизда пахта, картошка, беда, маккажўҳори, галла етиштирилади. 17 гектар боғимиз ҳам бор. Ҳаммаси бўлиб 300 гектарга яқин майдонда деҳқончилик юртимиз. Бу йил ҳам барча соҳалар бўйича йиллик режалар бакарилди. Энди пахтани йиғиб-териб олсак бас. 115 гектар майдоннинг ҳар гектаридан мўлжал 32 центнердан ҳосил олиш. Тахминий ҳисоб-китобларга кўра бу кўрсаткич ошириб адо этилади. Яқин орада голландиялик фермер билан бирга 20 гектар майдонга экан

Хотам ШОДИЕВ, Акмал Икромов номи жамоа ҳўжалиги бригад бошлиғи, Ўзбекистон Республикасининг хизмат кўрсатган қишлоқ ҳўжалик ҳодими.



Суратларда: Мустақиллик йилида Акмал Икромов номи жамоа ҳўжалигида фойдаланишга топширилган «Ўрикзор» чойхонасининг биноси; гурунлашиб чой ичиш ҳамиша ҳам мароқли.

ҲЕЧ КИМ МУҲТОЖ БЎЛМАЙДИ

Бовор иқтисодиёти ирода-мининг имтиҳондан ўтказилди. Ҳозир на раҳбарга, на оидий колхозчиға осон эмас. Лекин баҳамжияхатлик бор жойда мушкуллик енгил чар экан. Биз колхозимизда истиқомат қиладиган оилаларни икитимий муҳофаза қилишни биринчи галдаги вазифалар қаторига киритган эдик. Колхоз бошқару-вининг қарори билан уларга галла, шол, чорвалар учун ҳашак тарқатилди. Уй қуриш мақсадида ер олган-ларга арзон нархда қури-лиш материаллари етказиб бердик. Икитимий муҳофаза бўйича белгиланган ана шу имтиҳонлардан Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, ногиронлар, ёлғиз қаринлар, кўп болали онадар, ўқитувчилар ҳам тўла баҳраманд бўлди-лар.

Кишилارга кўрсатилган гамхўрлик самарасиз қолма-ди. Буну бу йилги меҳнат

натияжаларидан ҳам билса бўлади. 1762 гектар ерда деҳқончилик қилиб, пахта, каноп, маккажўҳори, беда, помидор, пизз, карам, картошка, лавлаги, дон, сабзи, шол ва бошқа маҳсулотлар етиштирдик. Мен эканлар турини бирма-бир санаётганимнинг боиси бор. Ҳозирги даврда ҳўжаликда хилма-хил экан ютади. Бу эл учун ҳам, колхозчи учун ҳам фойдали. Чунки бовор иқтисодиёти савдо муносабатларида кенг ҳаракатни, фаоллигини тақозо этмоқда. Масалан, биз Россия шаҳарлари билан ҳамкорлик қилар эканмиз, уларнинг эҳтиёжини албатта ҳисобга олишимиз лозим бўлади. Шундангина савдони йўлга қўйиш ёки маҳсулотлар айирбош-лаш қулайлашади.

Кўп ва турли маҳсулотлар етиштириш тўғрисида фақат иқтисодимиз эмас, маданий турмуш таримиз ҳам яхши-

ланиб бормоқда. Қўчаларимиз тўла асфальтланган, колхоздаги хонадонларнинг 75 фоизи газлаштирилди. Бир неча йилдирки, ҳўжалигимиз ҳудудидида 4 та мактабни колхоз ҳисобидан қури-лиш бригадаси таямirlаб бермоқда.

Биз яқин келажак учун иқтисодий ва икитимий режамизни ҳам белгилла олганмиз. Шунга кўра Иеро-илдан мева ва пизз қури-ладиган дастохларни келтир-дик, энди ўрнатил ара-фасидаммиз. Тегирмон қури-лиши ҳам бошланди. Тикув-чилик кичик корхонаси очил-мақсадида машиналар олиб қўйдик. Энди шу ишларни жадаллаштириямиз.

Албатта, колхоз бошқару-вининг шу кунлардаги эъти-бори пахта йиғим-теримини муваффақиятли ташкил этишга қаратилган. Мавсум-да механизаторлар, терим-чиларни ишлаб чиқилди, улар учун қулай шароитлар ярат-иб бериш тадбирлари бел-гиланди. Техника ва бошқа воситалар терим мавсумига шай турибди.

Мирзоаб УРИНБОВЕВ, Энгелс номи жамоа ҳўжалиги раиси.

«КИМ ПЕН ХВА» — ИШБИЛАРМОНЛАР МАКТАБИ

Бу ҳўжалик тўғрисида кўп ҳикоя қилинган. Колхоз раиси, иқтисод фанлари номзои, профессор Тур-гун Мадиев номидаги мактаб, тадбиркорлиги билан республикага танил-ди. Унинг гапларига қу-лоқ солиб, мутахассислар-нинг саволларига бераёт-ган жавобларини эшитиб, «тузма иқтисодчи» экан, деган ҳулосага келдим. Бир сўм сарфлаб, беш сўм то-пишни қўзлайди. Раис би-лан учрашув куну Россия-нинг урта шаҳридан вакил-лар келипти. Ҳаммасининг иши бирпасда битиб нетди. Улар эса қўлхозда очила-диган кичик корхоналарга дастохлар етказиб келадиган бўлилар. Бундай кор-хоналар ҳозир ҳўжаликда 80 дан ортиқ.

Колхоз чет мамлакатлар билан ҳам кўп йиллардан бери ҳамкорлик қилиб кел-моқда. Шу тўғрисида корхо-налар яна қўлайди. Бир ки-тадан у кичик бир санаот шаҳарчасига ўхшайди. Бу ерда пишлоқ, консерва тай-яраш, атлас, ҳар хил ма-толар тўқиш аллақачон

бошлаб юборилган. Мус-тақиллик байрами кунда тринотаж цехида тўқилган жемерлар, болалар ки-йимлари колхозчиларга ар-зон нархда сотилди. Цехда ҳўжаликда Ўзбекистон Фанлар академиясининг ил-мий маркази иш бошланди. Унда ўнга яқин олим шу гулланмоқда. Улар кол-хоздаги иқтисодий, икити-мой, маданий ҳаётнинг бу-гунги шаклланиш модуллин илмий ишлаб чиқишдади. Бо-ра-бора ана шу модул лойи-ҳаси истеган ҳўжаликка со-тилиб, у ҳам пулга, валю-тага айлантирилди.

Ҳа, «Ким Пен Ха» — ишбилармонлар мактаби. Бу колхозга келиб но, тозичи боийиш, турмушини фаро-он қилишни ўрганиб ке-тиш мумкин.

Х. САИДВАЛИЕВ.

ҒОЛИБЛАР КОРЕЯДА

Тўйтепалик таъкивдорчи Пўлат Ўсмонов 1990 йил-да Пхеньянда халқаро му-собебада ғолиб бўлган эди. Бу йил унга ана шу шаҳарга бориш насиб этди. Шу кунларда спортчи ўр-тачирчилик излошлари — жумхурият кумуш соирин-дои Борис Пой, «Кора на-мар» соҳиб Махмуд Эр-ганчилар билан жаҳон би-ричилиги муسابақаларида иштирок этмоқда.

С. АБДУЛЛАЕВ.

БИЛИМДОНЛАРГА ЙЎЛ ОЧИҚ

Мустақиллик йили район халқ таълими, тизиминда ҳам анча муваффақиятлар-га эришилди. 41 ўқувчи ои-ли, 37 нафар талаба эса кумуш медаллар билан тақ-дирланди. 15-ўрта мактаб ўқувчиси Саиджон Акма-лов турли синавлардан ях-ши ўтди, Туркияда билим олмоқда.

А. КАРИМОВА.

ГЎЗАПЛИК БОР ЖОЙДА УНУМ БОР

Едимда, ўтган йилнинг ёзи эди. Чигирин пахта пункти-мининг аҳолига, ишчи та-шқил қилиш услубимиз билан танишгани юқори идоралар-дан вакиллар келишди. Улар пахта қуриш цехи, транспортёрларнинг техник-халати, шомоллатчиларнинг созлти билан танишган, ҳовлимиздаги ихчамгина ҳўбонни ҳам айландилар.

Бу пахта пунктими ёки истироҳат боғими, жан-нат қилиб юборибсизлар-ку? Бу ерда неча киши ишлай-ди ўзи, — дея ишчилар сови билан қизичиқ қолди улар-дан бири.

Кейин ортиқча куч йўқ-лигини, боғин ишдан бўш пайтларда шанбалликлар уюштириб яратганимизни айтганимдан сўнг чехраси ёришиб, бизга миннатдорчи-лик билдирди. Мен бу ми-солни нима учун келтири-ман. Бекиз эмас, албатта, Умримизнинг яримдан кўп-роқ қисми ишхонада ўтади. Майли у завод бўлсин, пах-та ёки сабзавот даласи, мак-таб ёки дўхтирхона...

Иш жойи инсоннинг меҳр қўйган, ихлос билан меҳнат қиладиган, худди ўзини уй-дайдек масканга бўлиш ке-рак. Гўзаллини яратиб ҳар бир одамнинг иди, фароса-тидан дарак беради. Қола-верса, фаросатни қай дара-жада ҳис этишини ҳам кўр-сатади. Шу икитимдан ол-ганда пунктига ихчамгина ишчи оиламиз аъзоларидан хурсандман. Уларнинг ку-чи, рабати билан ташкил этилган ҳўбон чиндан ҳам сўлим, унда турфа гуллар, райхонлар ҳўшўй не тари-ти, ҳар хил совалар гарқ пишиб ётибди. Ишчилар бун-дай жойда чарпоқ ималегини билмайдилар. Яратилган бу қўлайлик, асосий ишлар-нинг ўз ичига фанарли иш-чин таъминламоқда. Балки ҳар йил республика бўйича пахта пунктлари қўрилари-да фақат олдинги ўринни

олаётганлигимиз ана шун-дандир. Яхши кайфият — яхши унум дегани. Бу йил май ойидаёқ район ҳўқимлигида пункт пахта қабул қилинган шай деб маълумот берган-миз. Кичик механизация вос-ситалари, транспортёрлар, шомоллатчилар ҳаммаси мавсумга ўша пайтдаёқ ҳо-зирилб қўйилган. Комиссия қуритиш цехининг мавсумга шайлигини аъло даражада, дея қайд этди.

Биз Акмал Икромов номи, «Ҳақиқат» жамоа ҳўжа-ликлардан қабул қилиб оли-шимиз керак бўлган 7,5 минг тонна ҳосилни турли тасодифлардан эҳтиётлаш чораларини ҳам олдиндан белгиллаганимиз. Пахтани ё-йишдан сақлаш борасидаги тадбирларимиз республи-када юксак баҳолатли, 12 минг сўм пул мулофоти бил-лан тақдирланди. Бу ютуқ-лар пахта пунктимизни дои-мо шай, саранжом-сарията сақлаётган, техникага оид-лона муносабатда бўлаётган ишчи-хизматчиларимиз меҳ-нати самарасидир. Сафимиз-да бундай ишлар кўп. Ё. Бўри Умархўжаев, Турсунали Нурматов, Владимир Ли, Рўза Сафарова, Зайнуна Умрзоқова, Рисолат Турсун-қулова, Феруза Вахтемирова, Абдуларим Абдурахимов, Нашиф Вахтемиров кибилар шулар жумласидандир.

Хизматчиларимиз мав-сумдан ҳоли пайтларда ҳў-жаликлар ишларига ҳам ра-нашадилар. Бу йил баҳорда улар 2,5 кўти кўрт уруғини парваришладилар. Қўр кўти-дан 90 килограммдан пилла топириб, турли муноқот-ларга савдон бўлдилар. Ал-батта, шундай илган одам-лар билан бу мавсумда ҳам уюшқонлик кўрсатишимизга ҳеч қандай шубҳа йўқ.

Болабой ИБРОХИМОВ, Чигирин пахта пункти директори.



Суратларда: жамоа ҳўжалигидаги кичик корхоналар ҳаётдан лавҳалар. А. ТУРАЕВ суратта олган.



